

**Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг магистратурасининг “Тергов фаолияти”
мутахассислиги бўйича 2026/2027 ўқув йили учун мутахассислик фанларидан ёзма ишларни
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

№	Баҳолаш мезони таркибий номланиши	Умумий 100 балл тақсими	90-100%	70-89%	60-69%	0-59%
1.	Билим даражаси, шунингдек жавоб мазмуни мавзусини тўлиқ қамраб олганлиги ва мослиги	30	27-30	21-26.9	18-20,9	0-17,9
			жавоб мазмуни мавзусига тўлиқ мос келади ва мавзуни тўлиқ қамраб олган;	жавоб мазмуни мавзусига қисман мос келади ва мавзуни қамраб олади;	жавоб мазмуни мавзусига қониқарли даражада мос келади ва мавзуни қамраб олади;	жавоб мазмуни мавзусига мос келмайди ва мавзуни қамраб олишга етарлича эътибор қаратилмаган;
			мазмунан батафсил ёритилган, мавзу моҳияти тўлиқ очиб берилган;	мазмунан ёритилган, мавзу моҳияти очиб берилган;	мазмунан қисман ёритилган ва моҳияти қисман очиб берилган;	мазмунан нотўғри ёритилган, мавзу моҳияти очиб берилмаган;
			қонун ҳужжатларига ва назарий билимларга асосланган ҳолда тўғри жавоб берилган;	қонун ҳужжатларига ва назарий билимларга асосланган ҳолда қисман тўғри жавоб берилган;	қонун ҳужжатларига ва назарий билимларга етарлича асосланмаган ҳолда жавоб берилган;	қонун ҳужжатларига ва назарий билимларга умуман асосланмаган ҳолда жавоб берилган;
			зарур бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилинган.	зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилинган.	зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қисман мурожаат қилинган.	норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволалар мавжуд эмас ёки мавжуд ҳаволалар ҳам ноўрин қўлланилган.

2.	Таҳлилий фикрлаш ва ҳуқуқий масалалар бўйича хулосаларни баён этиш қобилияти	30	27-30	21-26,9	18-20,9	0-17
			мавзуга оид масала ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар таҳлил қилинган ҳамда уларнинг самаралари ва натижалари бўйича мустақил ижодий фикр юритилган;	мавзуга оид масала ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар қисман таҳлил қилинган ва мустақил фикр юритилган;	мавзуга оид масала ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга кам эътибор қаратилган, қисман мустақил фикр ва таҳлил мавжуд;	мавзуга оид масала ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга умуман эътибор қаратилмаган ва деярли мустақил фикр юритилмаган ва таҳлил этилмаган;
			тегишли масалалар бўйича ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси эътиборга олинган ҳамда важдар (аргументлар) келтирилган;	тегишли масалалар бўйича қисман хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилинган;	тегишли масалалар бўйича етарли даражада хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилинмаган;	тегишли масалалар бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилинмаган;
			қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар уларнинг мазмуни ва амалий аҳамиятидан келиб чиқиб таҳлил қилинган;	қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар эътиборга олинган;	қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар қисман эътиборга олинган;	қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар эътиборга олинмаган;
			савол бўйича аниқ асослантирилган хулосалар чиқарилган.	савол бўйича умумий хулосалар чиқарилган.	савол бўйича тўлиқ бўлмаган, етарлича асослантирилмаган хулосалар чиқарилган.	хулоса асослантирилмасдан чиқарилган ёки мавжуд эмас.
3.	Саводли ёзиш қобилияти	20	18-20	14-17,9	12-13,9	0-11,9
			ҳуқуқий ва илмий атамалардан тўғри фойдаланилган;	ҳуқуқий атамалардан тўғри фойдаланилган;	айрим ҳуқуқий атамалар нотўғри қўлланилган;	ҳуқуқий атамалар нотўғри қўлланилган;

			стилистик саводли равишда ифодаланган, грамматик, орфографик хатолар мавжуд эмас.	стилистик саводли равишда ифодаланган, аммо айрим грамматик, орфографик хатолар мавжуд.	стилистик саводли равишда қониқарли ифодаланган, аммо айрим кўпол грамматик, орфографик хатоларга йўл қўйилган.	стилистик саводли равишда ифодаланмаган, кўпол грамматик, орфографик хатоларга кўп йўл қўйилган.
4.	Ёзма ишнинг тузилиши мантиқий кетма-кетликда тўғри ёзилганлиги	20	18-20	14-17,9	12-13,9	0-11,9
			ёзма ишнинг таркибий тузилиши кетма-кетлиги бўйича фикр мантиқий изчил баён этилган.	ёзма ишнинг таркибий тузилиши кетма-кетлиги бўйича фикр изчил баён этилган.	ёзма ишнинг таркибий тузилиши кетма-кетлиги бўйича фикр изчил баён этилмаган.	савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас ёки умуман жавоб ёзилмаган, шунингдек мантиқий кетма кетликка риоя қилинмаган.
Жами		100				

ЭСЛАТМА:

1. Мавзу бўйича ёзма иш ёзишдан олдин берилган мавзулари билан танишиб чиқилиб, “Жинойят ҳуқуқи” ва “Жинойят - процессуал ҳуқуқи” фанларининг ҳар биридан 1 тадан савол ва вазифа танланади ва батафсил жавоб ёзилади.
2. Имтиҳон саволига жавоб қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши тавсия этилади: кириш, асосий қисм (баён қисми), хулоса.
3. Ҳар бир мавзу бўйича ёзма ишда сўзлар сони 1 000 тадан кам бўлмаслиги лозим.
4. Ёзма иш учун ажратилган вақт – 4 (тўрт) соат.
5. Ёзма иш ёзишни бошлашдан олдин 15-20 дақиқа ёзма иш бўйича режа тузиб олиш тавсия этилади.
6. Ёзма ишни баҳолашнинг об’ективлигига таъсир кўрсатувчи фарқ қилувчи белгиларни қўймаслик лозим.
7. Имтиҳон кунини аудиторияга ўқув адабиёти, луғат, маълумотнома, жадвал, конспект, ёзув дафтари, қоғоз ёки электрон шаклдаги шпаргалкалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, алоқа воситалари, аудио, фото ва видео ёзиш қурилмаларини олиб кириш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек имтиҳон саволлари ва вазифалари юзасидан номзодларнинг ўзаро суҳбатлашиши тақиқланади.
8. Номзодларнинг кириш имтиҳонлари давомида аудиториядан чиқиши тақиқланади. Соғлиғининг ёмонлашиши ва бошқа зарур ҳолатларда номзодларга имтиҳон материалларини қолдириб, кузатув остида аудиториядан чиқишга рухсат берилади.
9. Кириш имтиҳонларини ўтказишнинг белгиланган тартибини бузган номзод кириш имтиҳонларидан четлаштирилади, бунда аудитория кузатувчиси томонидан далолатнома расмийлаштирилиб, ушбу номзоднинг имтиҳон жавоблари баҳоланмайди ҳамда у имтиҳонда иштирок этмаган ҳисобланади.